

ЗАРДУШТИЙЛИКДА АХУРА МАЗДАНИНГ ЯРАТУВЧИЛИК ФУНКЦИЯСИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

К ПРОБЛЕМЕ ТВОРЧЕСКОЙ ФУНКЦИИ АХУРА МАЗДЫ У ЗОРОАСТИЙЦЕВ

ON THE PROBLEM OF THE CREATIVE FUNCTION OF AHURA MAZDA IN ZOROASTRIANS

Rano URAZOVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD),
of chair "Religious Studies and Comparative Study
of World Religions UNESCO"
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan
urazovar8@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2023/3/4

Аннотация: Мақола зардуштийликда Ахура Мазданинг улуғлигини универсал диний инқилобий ҳодиса эканлигига бағишланган. Зардуштийликда яратувчилик, парвардигорлик гоёси авестаишуносликнинг энг мураккаб масалаларидан бири саналади. Аввало, яратиш функциясини динлар тарихида ибтидоий қарашлардан, хусусан, тотемизмдан ажратиш олиш, қолаверса, яралмоқ ҳақидаги фикрни мавҳум илоҳий зот билан боғлаш даражасида тафаккур такомилли илмий таҳлил талаб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, Зардушт биринчилардан бўлиб, инсон тафаккурининг муҳим салоҳиятига, ақлий имкониятига таянган ҳолда борлиқни яратган Бош сабабчини мавҳум тимсол, руҳият орқали идрок этиладиган тарзда эътиқод амалиёти доирасига олиб кирган.

Мақолада Ахура Мазданинг яратувчилик функциясини суверен ва яқка холиқлик сифатида талқин қилиш Авеста манбаси асосида келтирилган. Авестанинг ижодий маҳсули бўлган "Ясна" наскига кирган "Гоҳ"лар Зардушт даврида яратилган бўлиб, унда ибтидоий қўнхудоликка ҳамда асотирий образларга муносабат масаласида жиддий танлаш рўй берганлиги, зардуштийлик олий илоҳи Мазда ўз сифати, тенгсиз улуғлиги ифодаси бўлиши Ахура - "юсак шараф, буюклик, жаноб" маъносига келган. Ахура Мазда ва унинг малоикалари Эзгу ният, Комил Ақл, Оламнинг Эзгу эғалиги, Шаҳриёрлиги каби илоҳий тушунчалар уйғунлик, ягона маънавий бирликнинг ташкил этувчилари сифатида амал қилиши ҳамда уларнинг функциялари бевосита Ахура Мазданинг иродасини, эзгуликнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган эди.

Зардуштийлик динида миф-асотирлар одамларнинг дунё-борлиқ ҳақидаги тушунчаларини, айниқса, уларни ўраб турган табиат ва жамиятни қандай идрок

этишларини ўзида акс эттириши натижасида қадимий асотирий дунёқараиш тизими илоҳий қарашларга айланган. Мақолада, инсон тасаввурида табиат ҳодисалари устидан ҳукмрон, ҳатто уларни яратишга, тартибга солиб туришга қодир, хулласки, инсоннинг ҳимоятини таъминлашга маъсул эзгу илоҳий тимсоллар тизими пайдо бўлганлиги Авестада борлиқнинг яратиши модели мисолида кўрсатиб берилган. Авеста аввал бошида дунёни фақат эзгуликлар мажмуи ва мутаносиблиги сифатида тасвирлаган бўлса, дин асосчиси Зардушт эса амалиётга соф маънавий, руҳий омилларни, улар орқали эса борлиқнинг мавҳум кучлар орқали "бошқарилиш" гоёсини олиб кирган.

Шунингдек, мақолада Авестадаги космогоник тасаввурлар ифодалари, зардуштийликда борлиқ тушунчасини тушунишда айна шу мифологик қатламнинг дин тизими доирасига олиб кирилиши муҳим тарихий ечим бўлганлиги тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: зардуштийлик, Авеста, Ахура Мазда, "Гоҳ"лар, Зардушт, Ясна, маъбуд, Видевдот, Дуруж, Сраоша Роман, Вайу, Зруван, Варахран.

Аннотация: В зороастризме идея созидания и управления считается одним из самых сложных вопросов авестизма. Статья посвящена тому, что прославление Ахура Мазды в зороастризме является универсальным религиозно-революционным явлением. Прежде всего, в истории религий необходимо отделить функцию творения от первобытных воззрений, в частности от тотемизма, и связать идею творения с абстрактной божественной природой. В конце концов, Зороастр был одним из первых, кто ввел Первопричину, создавшую существование, основанное на важном потенциале человеческой мысли и умственном потенциале, в сферу религиозной практики таким образом, что она может быть воспринята через абстрактные символы, дух.

В данной статье на основе первоисточника Авесты дается интерпретация творческой функции Ахура Мазды как самостоятельной и уникальной сущности. «Гаты», входящие в наск «Ясна», являющийся творческим продуктом Авесты, были созданы в эпоху зороастризма; произошел серьезный выбор по отношению к первобытному многобожию и мифическим образам; верховное зороастрийское божество Мазда, выражение его качества, несравненного величия, стало означать Ахура – «высокая честь, величие, господин». Божественные понятия, такие как Ахура Мазда и его ангелы — Доброе намерение, Совершенный разум, Доброе владение миром и Градолюбие, выступают организаторами гармонии, единого духовного единства, и их функции непосредственно направлены на обеспечение воли Ахура Мазды и стабильность добра. В религии зороастризма в результате того, что мифы и легенды отражают мировоззрение людей, особенно то, как они воспринимают окружающую их природу и общество, древняя мифологическая система мировоззрения превратилась в божественные воззрения.

Статья о том, что «Авеста» является примером креационной модели бытия, показывает, что в

человеческом воображении возникла система символов благородного божества, способного создавать и регулировать природные явления и отвечающего за защиту человека. Если первоначально Авеста описывала мир только как совокупность достоинств и пропорций, то основатель зороастризма ввел чисто ментальные и духовные элементы, а через них — идею управления бытием с помощью абстрактных сил.

В статье также утверждается, что введение того же мифологического пласта в рамки религиозной системы явилось важным историческим решением в понимании космогонических идей Авесты, концепции существования в зороастризме.

Ключевые слова: зороастризм, Авеста, Ахура Mazda, «Гаты», зороастризм, Ясна, богиня, Видевдот, Дурудж, Сраоша Роман, Вайю, Зруван, Варахран.

Abstract: The article focuses on the fact that the glorification of Ahura Mazda in Zoroastrianism is a universal religious and revolutionary phenomenon. In Zoroastrianism, the idea of creation and patronage is considered one of the most complex issues of Avesta studies. First of all, in the history of religions, separating the function of creation from primitive views, in particular from totemism, as well as connecting the idea of creation with an abstract divine being, is one of the required scientific analyses of thinking. After all, Zoroaster was one of the first to bring the Prime Cause, which created existence, relying on the important potential of human thinking and mental potential, into the scope of faith practice in a way that can be perceived through the psyche.

The article presents an interpretation of the creative function of Ahura Mazda as a sovereign and singular entity based on the Avesta source. The “Ghats”, which are part of the “Yasna” nask, a creative product of the Avesta, were created during the Zoroastrian era, in which a serious choice was made in relation to the primitive polytheism and mythical images, the supreme Zoroastrian deity Mazda came from the meaning of Ahura - “high honor, greatness, lord”, which is an expression of his quality, incomparable greatness. Divine concepts such as Ahura Mazda and his angels: Good Intention, Perfect Mind, Good Mastery of the World, and Gradulity, act as organisers of harmony, a unified spiritual unity, and their functions are directly aimed at ensuring the will of Ahura Mazda and the stability of goodness.

In the Zoroastrian religion, as a result of the fact that myths and legends reflect people’s understanding of the world, especially how they perceive the nature and society that surrounds them, the ancient mythological worldview system has turned into divine views.

In Avesta responsible noble divine symbols are considered as a system that provides control over natural phenomena and even capable to create and regulate it in human’s imagination. While the Avesta initially described the world only as a set of merits and proportions, the founder of Zoroastrianism introduced purely mental and spiritual elements, and through them the idea of controlling existence with the help of abstract forces.

The article also argues that the introduction of the same mythological layer into the framework of the religious system

was an important historical decision in understanding the cosmogonic ideas of Avesta and the concept of existence in Zoroastrianism.

Keywords: zoroastrianism, Avesta, Ahura Mazda, “Ghats”, Zarathustra, Yasna, Goddess, Videvdot, Duruj, Sraosha Roman, Vayu, Zruvan, Varahran.

КИРИШ

Зардуштийликнинг бош ғояси яккахудолик бўлган. Зардушт ўзига қадар қавмлари эътиқод қилган барча худолар табиатда ва жамиятда мавжуд ашёларга алоқадор дея, яратилганлик моҳияти туфайли турли ашёлар худо бўла олмаслигини тушуниб етган эди. Лекин, борди-ю шу “худолар” инкор этилса, ўрнига нимани таклиф этиш мумкин, деган масала Зардушт диний “инқилоби”нинг ҳақиқий моясига айланди. Бу улуг инсон каму кўпи билан уч минг йил аввал айни шу муаммога оқилона ва дадил ечим топишга эришди: дунёда биринчи бўлиб, Худо ва унинг яратган нарсалари ўртасига чегара қўйди. Нарсаларига эмас, Яратгanning ўзига эътиқод қилиш лозимлигини баралла эълон қилди.

Таъкидлаш жоизки, Зардушт борлик аслида Ҳаққон эзгуликлардан иборат бўлган, дея уқтирди. Бирок ҳаётда турли-туман ёвузлик кўринишларининг мавжудлигига Ҳақиқатнинг зидди Ёлғон ва унинг малайлари-дуруғбонларнинг эътиқодсизлиги сабаб бўлади, деб ўргатади.

Кўриниб турибдики, бундай фикрлар Зардушт “ислоҳоти”нинг моҳиятидаги якка худолик ғояси билан изоҳланади. Бирок амалда қандай ҳолат юзага келди? Бу саволга жавоб бериш учун фикран ақалли “Яшт”ларга мурожаат этишнинг ўзи кифоя. Чунки, “Яшт”лар Зардушт эълон қилган якка-ягона Ахура Мазданинг атрофини Ардви Сура, Аши, Митра, Варахран, Сириус каби қатор маъбудалар билан тўлдирибгина қолмай, зардуштийлик расман ҳали йўқ пайтларда амал қилинган табиат культларини ҳам қайта жонлантиргандай бўлди. Жумладан, дастлаб Зардушт Хаомага эътиқодни куфр деб эълон қилиб, уни ўта жўн ва нолойиқ магия сифатида қоралаган. Бунда Хаома инсонни ахлоқий-маънавий ножоиз ишлар, айниқса яхшилик ва ёмонлик дихотомияси олдида эркин қилиб қўяди, дейилган. Бу ҳақда авесташунослардан Э.Эдвардс, кейинроқ эса Л.А.Лелековлар алоҳида фикр билдиришган (Edwards E., 1920:19).

Зардуштнинг ўзига қадар амалда бўлган кўпхудоликка қарши қўйган бош ғояси Ахура Мазданинг “яккалиги” эди. Замонлар оша Зардуштнинг ғоялари амал қилгани ҳолда, яъни Ахура Маздага эътиқод ғолиб бўлгани ҳолда, узок ўтмишда тарғиб қилинган илоҳий зотнинг мавҳум

тимсоли, унинг сифат ва хислатларини ифодаловчи Эзгу Ният, Комил Ақл, Олам Шаҳриёри тимсоллари, улардан имонли бандаларга насиб бўлгуси мунавварликнинг мавҳумлиги оддий омма учун у қадар тушунарли эмас эди. Шу сабабли “Кенжа Авеста”да зардуштийликдан аввал амал қилган барча маъбудлар муқаддас китобга олиб кирилди. Демак, бу ҳаракатни ҳам авесташуносликнинг ўзига хос босқичи деб аташ мумкин. Чунки Авестада маъбудлар тизимига қай тарзда тартиб бериш, насларда уларнинг ўрнини белгилаш, ниҳоят, энг саҳиҳ сўзларни аниқлаш жиддий тадқиқотни, изчил ўрганиб чиқиш ва танлашни талаб этади.

Ахура Мазданинг якка-ягоналиги тушунчасининг узок ўтмишда шу қадар кенг ва эркин талқин қилиниши тарихий шарт-шароит тақозоси эди. Яъни, Ахура Маздага яратувчилик функцияси табиат ва жамият, бутун борлик, чексиз оламлардан ташқари инсон онги маънавий дунёси эҳтиёжи бўлмиш, руҳоният оламига хос илоҳий зотлар тизимига тааллуқли эканини қалбан идрок этиш, уни эътиқод объектига айлантириш, мавҳум руҳий тушунчаларни чин ҳақиқат даражасига олиб чиқиш ўша давр учун инсон ақли ва тафаккури эришган буюк юксакликдан далолат эди.

Бу мавҳум илоҳиёт тизими бир қарашда мураккаб туюлади. Зеро, “Гоҳ”ларда қуйланишича, Ахура Мазда Яратувчи (31.11), Ҳимоячи (44.4), Мутлоқ ҳукмдор (43. 1), Кун ва тунни яратувчи (44.5), Ҳад-ҳудудсиз, яъни боши ҳам охири ҳам йўқ (31.7), Қудратли (45.6), Ҳамма нарсани кўргувчи (31.7), Шафқатли (33.11), Олий Бахт эгаси (34.13), У ҳақиқатгўй (47.2) ва ҳоказо. Аслида эса, уларнинг вазифалари ягона Ахура Мазда иродаси қудратига боғлиқ ҳолда қаралса, ҳар бир илоҳий зотнинг ўз ўрни, мавқеи ва даражаси борлиги яққол кўринади. Бу эса зардуштийлик узок ўтмишга айланган бугунги бир шароитда махсус тадқиқот ва шарҳларни талаб қилади.

УСЛУБЛАР

Зардуштийликда Ахура Мазданинг яратувчилик функцияси авесташуносликда баҳсли масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, Зардуштнинг бош ғоясида Ахура Маздани улуғлаш биринчи ўринда турган. Бу ҳақда ўз даврида немис олими Х.Хумбах, француз олими Э.Бенвенестлар алоҳида фикр билдирган (Benveniste E., 1967:144). Мазкур жоҳилият ислохотлари орасида инкор этилганлардан бири дастлаб Митра эди. Бироқ, Митра Кенжа Авестада энг улуғ маъбудлар қаторида туради. Э.Бенвенестнинг фикрича, Зардуштнинг бош мавзуси Мазда-Ясна, яъни Маздага эътиқод қаторида

Митра-Ясна эътиқоди бир муддат муҳолифатда турган. Бу фикрни В.А.Лившиц ҳам таъкидлаган (Livshits V., 1977:136). Ўз даврида А.Кристинсен, Л.Грент, Х.Нютерглар ҳам Зардушт мафкурасида анъанавий митраизмга қарши кураш руҳи бўлганини кўрсатишган (Darmsteter J., 1982:169). Авесташуносликда яратувчилик ва яралмиш ходисасининг таҳлили ва талқинига кўплаб, деярли барча шу соҳа олимлари эътибор қаратиб келишган. Аслида чиндан ҳам ҳар қандай диний системанинг ўзига хослигини ва тарихий маданий жиҳатдан фақат шу диннинг дунёнинг яралиши ва унинг таркиби масаласига муносабати орқали англаб етиш мумкин. Зардуштийлик нуқтаи-назаридан бу масала авесташуносликнинг етакчи олимлари томонидан қайта-қайта таҳлил қилинган. Жумладан, Ж.Дармстетер ўзининг “Зенд Авеста” номли уч жилддан иборат улкан тадқиқотининг 1-жилдида Авеста космогониясига махсус тўхталиб, Ахура Мазда – еру-осмонни, коинотни тирик ва жонсиз табиатни фақат эзгу қилиб яратганини таъкидлаган. Шу билан бирга Ж.Дармстетер Авестадаги ушбу ғояни динлар тарихида радикал ходиса сифатида баҳолаган. Бу фикрни кейинчалик Жон Мультон бир қадар тўлдирди. Унинг фикрича, Ахура Мазданинг яратувчилик функцияси “Яшт”лардаги маъбудлар доирасига Кенжа Авеста даврида олиб кирилган (Moulton J., 1913:468).

Авеста китоби зардуштийлик динининг эзгулик ғоясига йўналтирилиши билан баробар “одам ва олам, инсон ва жамият ҳақидаги тасаввурларнинг, улар ўртасидаги муносабатларнинг жамулжам ифодаси”ни муайян тизимга солинган маъбуд ва маъбудаларнинг ижобий туркуми орқали намоён этган” (Жўраев Н., 2001:4). Ушбу илоҳиёт тизими ижтимоий асосларга ҳам эгаллиги билан диққатга сазовор. Шу маънода зардуштийликни реал тарихий жараёнлардан айри самовий нозил дин бўлган дейишдан дунёвий фан нуқтаи назаридан эҳтиёт бўлмоқ маъқулдир. Зеро, Авестанинг ижобий илоҳий зотлар тизими ўз даври учун жамиятнинг ҳаётий орзу умидлари ифодаси эди. Улар “табиат, жамият ва инсон ўртасидаги муносабатларни маънавий, руҳий, ахлоқий мезонлар орқали уйғунлаштириш...” га хизмат қилгандир.

С.А.Токарев монотеизм ва “пайғамбар зотнинг ҳамда айрим бир халқнинг худо томонидан танланганлиги” ғоялари ҳақида атеистик нуқтаи назардан жиддий фикрларни баён қилган [С.А.Токарев, 1976: 366]. Жумладан, яҳудийларнинг қадимги қабилавий худоси Яхве ягона ва бутун борликни ўз кўлида тутиб тургувчи худога айланди, деб таъкидлайди. Шу билан бирга жаҳон динлари тарихида биринчилардан бўлиб худонинг

яккаликни қатъий эълон қилибгина қолмай, балки бу ғояни ҳаётга татбиқ этган дин яҳудийлик бўлган, деб кўрсатди. Муҳими шундаки, С.А.Токарев якка худоликни тарғиб қилиш тенденциясини фақат яҳудийликда эмас, қадимги Бобил, Миср, Эрон динларига ҳам хос эди, дейди. Ушбу тенденцияга тарихий ёндошув қилиб, якка худолик кўринишлари қандай кўринишда ифода топишидан қатъий назар жамиятнинг сиёсий ҳокимият атрофида бирлаштирувчи вазифани ўтаган ҳамда олий мутлоқ ҳукмдорлик ғоясига хизмат қилган, дейди. Бу даражада қатъий қадам яҳудийлик тарихида мил. авв. V асрда рўй берган.

Айни шу пайтда Библиянинг “Беш китоби”га кирган “Қоҳинлар Низоми” яратилган. Шу билан баробар Библиянинг қадимий қисмларида сақланган кўпхудолик қолдиқларидан обдон “тозаланган”. Мулкдор ижтимоий қатламлар кўллаб-қувватланишига таянган олий дунёвий ҳокимият томонидан мулксиз, эзилган оммани итоатда тутиб туришнинг воситаси сифатида “бу дунё азоб-уқубатлари эвазига нариги дунё роҳат-фароғатини ваъда қилувчи” ғоя шаклланди. Бирок, бу ғоя яҳудийликда фаол натижа бермади. Чунки, яҳудийлик динида яҳудийлар “худо ярлакаган халқ”, “худо ўзи хуш кўриб танлаган халқ”, деган фикр оммага сингдирилган. Агар, Яхве худо сифатида халққа қанчалик жабру жафолар қилмасин, қанчалик жазога лойиқ қилмасин, барибир ўз халқини севади, деб уқтирилган. Чунки, яҳудийлар ўз худосининг севган бандлари эмиш. Агар яҳудий азоб-уқубат, қашшоқликда бўлса, бу унинг “танланган, ёрлакаганлиги”дан эмас, балки ўзининг гуноҳларидан, деб тушунтирилган. Айни шу ўринда яҳудийликнинг зардуштийликдан, ундаги яккахудолик ғояси заминидagi қарашлардан фарқи яққол кўзга ташланади. Яҳудийлик зардуштийлик жаҳон динлари орасида биринчи бўлиб асослаб берган жаннат ва дўзах ғоясини “худо ярлакаган”лик ғояси билан алмаштирган. Агар зардуштий ўз эзгу ишлари билан худосини кўллаб-қувватласа, эътиқодида мустаҳкам бўлса, унга нариги дунёда беҳишт ваъда қилинса, яҳудий бу дунё азоблари эвазига ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз худосининг суйган бандаси эканига ишониши лозим эди. Зардуштийликда худо Ахура Мазданинг якка-ягоналиги ғояси генетик жиҳатдан Зардуштдан аввалги қабилавий эътиқод объектини мутлоқ яккалик даражасига кўтаришдан туғилган. Бу жиҳатдан Ахура Мазданинг мақоми Яхвенинг мақомига ўхшаб кетади [С.А.Токарев, 1976:368]. Бунда таъсир қайси томондан деган масалага эса зардуштийликнинг шаклланиш босқичи яҳудийликдан қадимийроқлигини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Масалан, Месопотамияда

Иштар, Мардук каби худоларнинг қудратини чексиз, яратувчилигини шериксиз кўрсатишга уриниш ҳам яҳудийликдан анча қадимий эди.

НАТИЖАЛАР

Зардуштийлар талқинида Ахура Мазда Яккахудо ҳисобланади. Ахура Маздани якка-ёлғиз Ҳақиқат деб, унинг Эзгу Ният, Комил Ақл, Олам Шаҳриёри каби сифатларини ўз борлигида мужассам бўлишини орзу қилган Зардушт Олий яратувчи зотни ягона деб билгани Аҳунавад Гох” (Ясна: 28-ҳоитийси)да бундай қайд этилган:

Сен ҳақиқатан Эзгу ният, янги аҳдимсан

Эътиқодим қўшиғи деб танладим сени

Токи борлиқ вужудимда қалбим тўрида

Очун Беги-Шаҳриёри ҳамда Армаитий

Хислатларинг билан тўлсин, бўлсин зиёда.

Сендан нажот, мадад сендан, кутганим

Умид шулким севинч ила Яхши кун етказ (Асқар

Маҳкам, 2001:384).

Ушбу хоитий(қўшиқ)нинг 1-бандидаёқ Зардушт Ахура Маздага мурожаат этиб, “...аввал-азал кўлларимни сен томон ёзиб, ибодат бағишлаб яхши кун ва севинчли ҳаёт орзусидадирман. Сенга эътиқодимдан ажаб эрмас, ҳақ рўёбга чиқиб, Армаитий донолиги, Ваҳу Мана ва Олам руҳи (Геуш Урван)ларнинг кўнгли чоғ бўлса” (Исҳоқов М., 2021:304) - дейди.

Ушбу икки лавҳа (қўшиқ) мазмунидан аёнки, Зардушт аввал бошданок

Ахура Маздани алоҳида яккалик мақомига кўтарган ҳолда унинг хислатларини мужассам этган малоикалари ҳақидаги ғояни ўртага қўйган. “Гох”ларнинг дастлабки бандларидан бошлаб ушбу малоикалар Ваҳу Мана, Спента Армаитий, Хшастра Варйаларга алоҳида ўрин берилган. Уларнинг етакчиси эса одамлар билан малоикалар ҳамда олий инстант - Ахура Мазда ўртасини боғловчи Ашах (Арта) - Ҳақиқатдир.

Демак, “Гох”ларда Ахура Мазданинг яккалиги ва унинг иродасини рўёбга чиқарувчи уч малоика, ундан икkitаси эркак ибтидоли ва бири-Спента Армаитий аёл ибтидоли илоҳий яралмиш зотлардир.

Шу ўринда Авестанинг кенжа таҳрири (“Младо Авеста”, “The yang Avesta”) таркибида Яштлар, Видевдот, Виспаратлар - булар Ахура Мазданинг хислатларини олган ва иродасининг ижрочилари сифатида Арта Вахишта, Хаурватат ва Амэретотлар пайдо бўлади.

Авестада маъбуд ва маъбудалар тизимининг ижтимоий моҳияти бир ўринда ўта мураккаб бўёқларда берилса, бошқа ўринда асотирий мавҳум тус олади. Айниқса “Гох”ларда Ахура

Мазданинг “Олам руҳи”, “Ашаҳ” “Ҳақиқат”, “Эзгу Ният”, “Олам Шаҳриёри” каби эманациялари бир қарашда турли номдаги мустақил худолардек кўринсалар, уларнинг ички маъносига диққат қилинса, бу атамалар моҳиятида “Бош ҳакам” Ахура Мазда кўзда тутилганини пайқаш қийин эмас. Чунки, Зардушт “Гоҳ”ларининг моҳияти фақат Ахура Маздага қаратилган, уни қавмларга Бош парвардигор сифатида тақдим этишни кўзлаган. Уни эманациялари номлари орқали ифодалаш ўзига хос таъсир воситаси ролини ўйнаган” (Исҳоқов М., 2001:126).

Зардушт давридаёқ, яъни Авестанинг “Ясна” наскига кирган “Гоҳ”лар пайдо бўлишида, ибтидоий кўпхудоликка ҳамда асотирий образларга муносабат масаласида жиддий танлаш рўй берган. Масалан, “Гоҳ”ларда “Кенжа Авеста” даврига хос илоҳиёт тизими ҳақида ҳеч нарса билмайди. Бироқ, “Гоҳ”ларнинг ҳар бандида, унинг энг муқаддас кўшиқлари Етти боб Ясна (“Ахунаванд Гоҳ”лар билан “Уштавад Гоҳ”лар орасида жойлашган етти боб, яъни 35-42-нчи Ясна кўшиқлари) ва бошқаларда такрор-такрор учрайдиган мурожаатлар муайян бир туркум илоҳий зотларга қаратилган. Буларнинг энг муҳимлари Ашаҳ – Ҳақиқат, Эзгу ният – Воҳу Мана, Ҳшастра Варйа – Шаҳриёр, Комил ақл – Спента Армаитийлар бўлиб, барчасининг бошида Мазда ўз сифати, тенгсиз улўғлиги ифодаси бўлмиш Ахура - “юксак шараф, буюклик, жаноб” маъносидаги сўз билан қўшилиб келган. “Гоҳ”лар ижодий маҳсул бўлганлиги сабабли бу ўринда Ахура Мазда ва унинг энг яқинлари Эзгу ният, Комил Ақл, Оламнинг Эзгу эғалиги, Шаҳриёрлиги каби илоҳий тушунчалар уйғунлик, ягона маънавий бирликнинг ташкил этувчилари сифатида амал қилади. Ҳолбуки, Эзгу Ният, Комил Ақл, Оламнинг Эзгу эғалиги, яъни Шаҳриёрлик кабилар ўз навбатида Ахура Мазданинг хислатлари, унинг сифатларидир. Уларнинг функциялари эса бевосита Ахура Мазданинг иродасини, эзгуликнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Айни шу “Гоҳ”ларнинг бадиҳа ижод эканини ҳисобга олсак, уларда илоҳиёт масаласининг якка-ю ягона Ахура Мазда билан боғланиши, худога сифат ва унинг хислатлари бўлиб хизмат қилган зотларнинг зардуштийликка қадар амал қилган пантеистик дунёдан ажратилишида Зардуштнинг улкан диншунослик фаолиятини кўриш мумкин.

Эзгу маъбуд ва маъбудалар тизими зардуштийлар дунёсининг реал моҳияти билан бир қаторда идеал истиқболини ҳам белгилаб берган. Аммо, дунё фақат ижобий майдондан иборат эмас. Унда Дуруж деви изидан кетиб, Ҳақ йўлидан адашганлар ҳам бор. Бинобарин, Зардушт тасвирлаган дунё

“Видевдот”даги безавол эзгу дунёдан, хусусан, на совук, на жазирама иссиқ, на касаллик, на ўлим, ҳатто ёмонлик ҳақидаги фикр ҳам туғилмаган дунёдан фарқлидир. Зардушт дунёсида “Маздага дил боғлаганлар билан бир қаторда Ёлғоннинг... таълимини олганлар”, “алданганлар сардори”, “нияти бузуқлар”, “каззоблар”, “нодонлар” бор. Зеро, “Алданганларнинг сардори харчанд ўзини покдомон қилиб кўрсатмасин, бу мунофиқ ҳеч қачон (сенинг, яъни Ахура Мазданинг) пайғоминг (хушхабарларингни элтувчи) бўлолмайди” (Асқар Маҳкам, 2001:384).

Шундай экан, зардуштийликнинг ибтидосидаёқ бутун илоҳиёт тизими эзгуликнинг барқарорлигига хизмат қилишга жалб этилган. Аммо Ёвузлик ҳам зардуштийлар учун реал ҳақиқат. У бартараф этилсагина олам покланади. Ёвузлик Дуруж (Ёлғон) нинг таърифи Авестанинг “Гоҳ”ларида келиши огоҳликка даъват деб тушуниланган. Эзгулик кучлари “дурвандлик ва артабонлик, эзгулик ва қабихлик” амаллари қоришиб кетган кимсаларни энг яхши хислат ва хатти-ҳаракатларга даъват қиладилар. “Гоҳ”ларда рўшнолик (ёруғлик)ка қарши - зулмат, зулмат эса – сўқирлик, ундан афсуслик туғилади. Бундай оқибатдан кутулиш чораси Ашаҳ – Ҳақиқатга интилоқ ва етишмоқдир. Бу манзарада ҳам эзгулик тизими Зардушт замонидаёқ ёвузликка қарши курашга сафарбар бўлганини кўрамыз.

“Гоҳ”ларнинг тарихий шарт-шароити баъзи кўшиқлардаги ҳаётий лавҳаларда намоён бўлади. Масалан, Зардушт Ахунавад Гоҳнинг 6- кўшиғида:

Мен буюк орзуим - Эзгу Ниятга,

Унинг адли ичра абадиятга

Етишмоқ йўлида илоҳий мадад

Бермоғинг армонин тутдим ёдимда.

Эзгулик илоҳи, сени чорлайман.

Ашаҳ-Ҳақ Шаҳриёр бўлган манзилга

Етмоқлик дардини тукканман дилга, - дея
куйлайди.

Ушбу лавҳада “Эзгу Ният Шаҳриёрлиги”, “Шаҳриёри Ахура Мазда бўлган манзилга” каби жумлалар эзгу илоҳий зот тасаввурини янада кенгайтиради. Бу ўринда орзудаги охират манзили, беҳиштий якуннинг Шаҳриёри Ахура Мазда, деб кўрсатилмоқда. Авестанинг бош ғоясида ётган “бутун борлиқнинг” - астуманд борлиқнинг, у дунё-ю бу дунё “манзили”нинг эгаси Ахура Мазда эканига ишорат яққол кўринади. Демак, борлиқ Шаҳриёрлиги тушунчаси, кейинчалик “подшоҳлик” мартабасига нисбатан қўлланиши, умуман, ҳар қандай подшоҳликда Ахура Мазда адолати устивор бўлиши ҳақидаги социал орзу ифодасидир.

“Гоҳ”ларнинг 6-кўшиғи 7-бандида Зардушт Ахура Маздани “яхшиларнинг яхшиси” деб

таърифлайди. Шу билан бирга тоат-ибодат ва чин эътиқоднинг гувоҳлигига Эзгу Ният-Ваҳу Мана ва Ҳақиқат-Артани тайин этади. Бу лавҳада имонли инсоннинг ибодат ва назру ниёзлари сўнгида ажри-мукофотлари намоён бўлиши ваъда қилинади. Демак, бу ўринда Ваҳу Мана - Эзгу Ният инсон руҳининг имон аҳди бошидаги сафарбарлиги бўлибгина қолмай, айти шу аҳду паймоннинг гувоҳлиги ҳамдир.

Шу лавҳа давомидаги 8-бандда Зардушт:

Эзгу ўй изидан издошлик насиб

Бўлсинки тинглангиз, илтижом Сизга!

Ниятим сизгадир айти муносиб

Ҳақнинг Ҳақ ҳурмати Мазда ва Мурдод

Ва Хурдод, абадлик бағишланг бизга! - дея нидо қилади.

Зардушт ўзининг Эзгу Ният фариштасига издош эканини, яъни нияти пок эканини таъкидлайди. Шу билан бирга у Харватат ва Амэрэтот малак сиймолардан абадийлик тилайди. Бу икки малак сиймо ўз-ўзидан автоном равишда бутунлик, мукамаллик ва ўлмас абадиёт ҳомийлари бўлсалар-да, Мазданинг ҳар икковига тааллуқли умумфункциясини ҳам таъкидлашни унутмайди. Бу ҳол яна бир бор эманациялар Мазданинг намоён бўлиш шакллари эканини кўрсатади.

“Гох”лардаги илоҳиёт тизими, асосан, Аҳура Мазданинг сифатлари ва вазифадор малаклари экани алоҳида эътиборга лойиқ. Айти шу хусусиятгина Зардуштнинг яқка худолик ғояси “Гох”ларда амал қилганига далилдир. Чунки Зардушт ўз даъватларида “Яшт”лардаги язадларни деярли тилга олмайди. Маълумки, Зардушт ҳайвонларни сон-саноксиз миқдорларда эҳсон учун сўйиб исроф қилинишига кескин қарши бўлган. Яштларда баён этилган эҳсон келтириш, қурбонлик қилиб маъбудаларга “маъқул бўлиш” манзаралари бунга хилоф равишда зардуштийликдан аввалги “жоҳилия” даври талабларига мос бўлишига қарамай, Авестадан ўрин олган. Бу ҳол Авеста китоби таркибида турли давр матнлари тўпланганини, бу диннинг илдизлари жуда қадимийлиги ҳақидаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди (Уразова Р., Қўшманова Л., 2009).

Ж. Келленс эътибор берган бу масаланинг иккинчи томони янада қизиқ хулосаларга олиб келади (Kellens J., 1975). Яштлар илоҳий зотларнинг қайд этилиши жиҳатдан икки гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ Яштларда қатнашган илоҳий зотлар масаласи бу ўринда муҳим ўрин тутати. Уларда энди, иккинчи гуруҳ (5,9,15,19) Яштлардаги маъбудлар - Анаҳита, Друваспа, Вайулар учрамаган ҳолда “Гох”ларда номлари улуғланган амешаспенталар тилга олинади. Масалан, Ҳурмузд Яштда Зардуштнинг саволига жавобан Аҳура Мазда

ўзининг асл номи Мазда эканини ва унинг барча сифатларини доимий равишда тилда ва дилда зикр қилиш лозимлигини билдиради. Бу номлар қодир, ғолиб, музаффар, розик, ростлик, қудрат, ҳақиқат, эзгулик, ақл, донолик ва ҳоказоларни, уларни такрорлаш, - тура айтиш уларни, - ёта айтиш уларни, - юра айтиш уларни, - белбоғни боғлай айтиш уларни, - белбоғни еча айтиш уларни, - уйдан чиқа айтиш уларни, - уйга кира айтиш уларни ... ўта савобли эканини таъкидлайди.

Аҳура Мазданинг бандалари олдида зикр шартини қўйиши, буни қоида даражасига кўтариши жаҳон динлари анъаналарида давом этгани маълум. Шу билан бир қаторда “Ҳурмузд Яшт” таркибида бир қатор илоҳий зотларнинг номлари ҳам қайд этилади ва уларга ҳам эътиқод, номларини зикр этиш савоби ваъда қилинади. Жумладан, “Хварно, эзгу ниятли Сраоша, Хуш яйловли Роман, қудратбардор Вайу, Зруван мутлақлиги, Варахран зафарбардор”ларнинг Аҳура Маздага эш қилиб кўрсатилади. Бундан хулоса шуки, Яштларнинг биринчиси Ҳурмузд (Аҳура Мазда) Яштдаёқ “Кенжа Авеста”га қўшимча ва тўлдиришлар киритилган. Асл мазмун алқовда Зардуштнинг саволига берилган жавобда кўринади:

Бу номлар йигирмадир,

Бу номлар ҳимоятдир.

Душманлар алдовидан,

Ғуноҳ ҳалокати ва

Қуфр таҳликасидан,

Ўлим чорлар ёлғондан

Ахриман гумаштаси

Минг ёвуз паҳлавондан (Исҳоқов М., 2001:126).

Шу банддан кейин “Аҳура Мазда” алқовида Зардуштга айтилган сўзлар келади. Бунга “кириш” қисмидек бир банд (24-банд) “Гох”ларда учраган Зардуштнинг Аҳура Маздага илтижосини эслатади: қўлим сен томон ёзиб илтижо қиламан, эй Ҳақиқат, Эй Мазда ...”.

Ўзинг асра Зардуштни -

Абад содиқ қўлингни

Мунофиқ душманлардан.

Унга зарба етмасин,

Етмасин ҳеч бир заҳмат.

Мулки торож бўлмасин

Сени билган бандангнинг

Заррадек эҳсонини

Амешаспандлар хайридек

Буюк эҳсон ўрнида

(Даргоҳингда қабул эт!) (Исҳоқов М., 2001:126).

Алқовнинг 25-33 бандлари якуний қисм бўлиб, унда Аҳура Мазда Зардушт илтижосини қабул қилиш билан баробар унга ўзининг қодир ҳимоятчилик қурбини баён этади:

Менинг иродам бағри бутунлик, Абадиёт...

Бу лавҳа Хаурватат ва Амэрэтот номли амешаспенталарга ишорат деб қабул қилиниши мумкин.

Юқорида келтирилган маълумотлар зардуштийлик илоҳиёт тизимининг шаклланиш босқичлари бир меъёрада, тизимли равишда узлуксиз хусусият касб этмаганини кўрсатади. Агар “Гоҳ”ларда Аҳура Мазданинг сифатлари маъносида амешаспенталар амал қилса, улар Зардушт даврида ўзининг бош маъносидан, яъни Аҳура Маздага ишорат маъносидан етарли даражада ажралмаган. Шу сабабли, “Гоҳ”лар бўйлаб амешаспента исмлари ёки уларнинг сифатлари бирламчи маънода Аҳура Мазда сўзи ўрнида ишлатилган. Олам Шаҳриёри, Комил Ақл-Армаитий, Арта-Ҳақиқат, Ваху Мана Эзгу Ният каби мурожаат шакллари “Гоҳ”лар учун Аҳура Мазда сўзининг синонимларидек амал қилган.

Демак, зардуштийликнинг илк босқичларида ваҳдоният ғоясининг талқини амешаспенталар ва Аҳура Мазда функцияларининг муштараклиги асосида юзага келган.

Авестанинг “Яшт” наски фанда шартли равишда “Кенжа Авеста” (“Младоавеста”) номи билан атаб келинади. Бунинг маъноси шуки, “Кенжа Авеста” қатламига кирган насклар, айниқса, “Яшт” алқовлари зардуштийлик қарор топишидан аввалги қадимиятга оид культларни Мазда Ясна ваҳдонияти билан муросалаштирган. Ҳатто бу уриниш шу даражага борганки, айрим ўринларда Аҳура Мазданинг ўзи бирор маъбуд-маъбуда шаънига дуою такбир ўқиб, намоз бағишлаган лавҳалар ҳам учрайди:

Парвардигор Аҳура Мазда

Ардви Сура куйида

Арийанам Ваежуда,

Даитийанинг бўйида

Намоз этди баҳишида...

“Муқаддас Ардви Сура,

Менга шундай бахт берки,

Пурушасп ўгли голиб

Спитамиё кўнглига

Менга иймон келтириши

Фиркрини қўйи солиб...” (Исҳоқов М., 2001:126).

Яна бир ўринда Аҳура Мазда Митрани ўз ёнига олгани, уни Мазда Ясна динининг муъбади қилиб тайинлагани ҳақида гап боради:

Аҳура Мазда Митрани

(Муғ этибон чорлади)

Тайин этди ёнида

Ибодатда сидқ ила,

Шавқ ила куйлагични... (Исҳоқов М., 2001:126).

Митрани янада зардуштийликка “якин” этиш мақсадида куйидаги жумлалар ҳам “Яшт”га кирган:

Уни Аҳура Мазда

Борлиқ эзгу дунёни

Асрагувчи маъбуд деб,

Яратди соқчи пойдор.

У борлиқ қўриқчиси,

Дунёнинг йўриқчиси

Мазда яратганларни

Ухламайин пойлайди

Қўриқлайди у бедор” (Исҳоқов М., 2001:126).

Бу каби мурасачилик руҳи “Аши” алқовида ҳам кўринади. Юқорида мисол келтирганимиздек, Аши-омад, бахт маъбудаси аввало “эзгулик келтиргувчи, танисоғлик бергувчи, куч-қудрати бекиёс, шарафли ва кўркабой, буюк мулкдор, эзгу зот”. Унга ким ихлос қилса:

Ким эъзозлар Ашини

Аҳура Мазда қизин,

Валилар синглисини

Халоскор, билга, доно

Мағфират элтувчини... ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, Аҳура Мазданинг якка-ягоналиги ғояси “Яшт”ларда худди унутилгандек. Бироқ, барча эзгу маъбудларга бағишланган алқовлар мазмунига диққат қилинса, уларнинг барчаси Аҳура Маздага тобе ҳисобланганини пайқаш қийин эмас. Келтирилган парчалардаги якка худоликдан “чекиниш”дек кўринган ҳоллар эса, Авестага дин хизматида бўлган муъбадлар тахрирлари туфайли кирган, деб ҳисобланади (Исҳоқов М., 2001:126). Маъбуд ва маъбудаларнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни ва роли зардуштийлик эътиқоди амал қилган жамиятнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини акс эттиради. Масалан, Аши – ғойибдан бахт, омад, қут-барака элтувчи маъбуда. Унинг “фаолият” доираси жуда кенг. У порлок ёлқин, роҳат-фароғат улашгич, шону-шараф элтувчи. У қай уйга қадам қўйса, ўша уйда фаровонлик, саришта муаттарлик, авлод томирлари узилмай бардавом бўлади. Эранларга Аши юртлар инъом этади. Аши кимгаки издош бўлса, уйлари обод, гўзал, тургувчидир безавол, унда тўла пода-мол. Аши издош бўлса, аёллар бахтли, улар саришта, гўзал ҳобгоҳларида суюкли эрларини кутиб хотиржам, бўй етган қизлар ўзларига муносиб ёрни Ашидан насиб бўлади, дея умидвордирлар ва ҳоказо. Кимдир Ашидан фарзанд сўрайди, яна кимдир душманларини мавҳ этишда кўмак тилайди. Йима(Жамшид)нинг олам подшоҳлиги мартабаси, унинг семиз подалари Аши туфайли, Зардушт ўз ғояларини подшо Виштасп ва унинг аъёнларига маъбуда Аши ёрдамида етказди, Хаосрава (Хусрав) Франгхрасйондан отаси Сйаваршаннинг қатли учун Аши ёрдамида қасд олади ва ҳакозо. Авестада эзгу маъбудалар тизимининг вазибалар бўйича тақсимланиши “Кенжа Авеста” босқичида тобора ижтимоийлашиб борган. Масалан, Митра, Ардви

Сура, Аши, Фарн (Хварно) - буларнинг бари ўз соҳаларида, баъзан қоришиқ ҳолда (Ардви Сура ва Аши вазифаларидаги ўхшашлик каби) одамларнинг кундалик эҳтиёжлари хизмати даражасига туширилган. Бундай манзара “Тоҳ”лардаги самовийлик юксак утопик кенглик, эзгуликнинг олий мафкуравий даражаси олдида диний эътиқод амалларининг тобора ерга яқинлашиб борганидан далолатдир (Исҳоқов М., 2001:126)

Зардуштийликда яратувчилик, парвардигорлик ғояси авесташуносликнинг энг мураккаб масалаларидан бири сифатида бири бўлиб келган. Аввало, яратиш функциясини динлар тарихида ибтидоий қарашлардан, хусусан, тотемизмдан ажратиб олиш, қолаверса яралмоқ ҳақидаги фикрни мавҳум илоҳий зот билан боғлаш даражасида тафаккур тақомили чуқур таҳлил талаб масаласидир.

Зардуштийлик ўз мазмунида турли культларни шамол, ҳаво, қуёш, сув, ер, қушлар, ҳайвонлар, масалан: туя, от, типратикан, ит ва бошқаларни сақлаш билан баробар, уларга муносабатни генетик боғлиқлик фикридан ажрата билган. Демак, зардуштийлар тотем ажлодга боғлиқ тасаввурдан йироқлашиб, ушбу асосларни Аҳура Мазданинг турли эзгу ифода шакллари деб тушунишгача кўтарилган.

Авесташуносликда яратувчилик ва яралмиш ҳодисасининг таҳлили ва талқинига кўплаб, деярли барча шу соҳа олимлари эътибор қаратиб келишган. Аслида чиндан ҳам ҳар қандай диний системанинг ўзига хослигини ва тарихий маданий жиҳатдан фақат шу диннинг дунёнинг яралиши ва унинг таркиби масаласига муносабати орқали англаб етиш мумкин. Зардуштийлик нуқтаи-назарида бу масала авесташуносликнинг етакчи олимлари томонидан қайта-қайта таҳлил қилинган. Жумладан, Ж.Дармстетер ўзининг “Зенд Авеста” номли уч жилддан иборат улкан тадқиқотининг 1-жилдида Авеста космогониясига махсус тўхталиб, Аҳура Мазда – еру-осмонни, коинотни тирик ва жонсиз табиатни фақат эзгу қилиб яратганини таъкидлаган. Шу билан бирга Ж.Дармстетер Авестадаги ушбу ғояни динлар тарихида радикал ҳодиса сифатида баҳолаган (Darmsteter J., 1892:169). Бу фикрни кейинчалик Жон Мультон бир қадар тўлдирди. Унинг фикрича Аҳура Мазданинг яратувчилик функцияси “Яшт”лардаги маъбудлар доирасига Кенжа Авеста даврида олиб кирилган (Moulton J., 1913: 468).

Бу масала юзасидан XX аср авесташуносларидан Ж. Дюшен - Гийемен, М.Моле, Л.Грей, Э.Эдвардс, Р.Цеммерман, Б.Ликольнлар ҳам эътиборга лойиқ фикрлар билдирган. Бироқ Авестада яратиш ва яралиш масаласи бўйича чиқарилган хулосалар асос эътибори билан бир-бирига ўхшамайди. Бунинг

сабаби масалани ёндашув тамойилларида бўлиб келган. Масалан, айрим олимлар парвардигорлик (яратувчилик) функциясини бошқа динлар билан, айниқса, Ригведа тасаввурлари билан боғлашга уринадилар. Бошқа бир тоифа олимлар эса Авестадаги яратувчиликни замонавий ҳозирги тасаввурлар билан боғлашга уринадилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам Авестадаги бу масала тўғри талқинга эга бўлмайди. Чунки Ригведа асли кўп худолик қарашларни ҳимоя қилган бўлса, ҳозирги диний қарашларда жаҳон динлари аро ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларини Авеста билан солиштириш мантиқан керакли натижани бермайди.

Авестада яратувчилик ҳақида М.Бойснинг позицияси ўзининг ўта пухта ишлаб чиқилган фаразий хусусияти билан ажралиб туради. Бунга кўра аввало бутун борлиқнинг “бошида аввалу охири йўқ худо” туради. Уни ҳеч ким пайдо қилган эмас. Бу фикр, М.Бойснинг айтишича, инсоният тарихида биринчи маротаба ўртага қўйилган Зардуштнинг инновациясидир. Л.А.Лелеков М.Бойснинг айтиши “хўп тобида шаклланган реконструкция” дея баҳоланган ва қўшимча равишда “зардуштийлар шундай қилиб ҳинд-европа умуммақбул ибтидоий динлардан воз кечишган деб хулоса чиқарган (Лелеков Л., 1992:363).

Бироқ, Авестадаги қатор маъбудларнинг “яратилиш”га дахлдорлиги Аҳура Мазданинг (“аввалу охири йўқ худо”нинг) яратиш функцияси билан алоқадор бўлиб чиқади. Шу жумладан, италиялик авесташунос олим В.Пизани Аҳура Мазданинг ўзидан ажратиб пайдо қилган малоикалари ҳақида фикр юритиб, яратувчилик функцияси доирасига амэшаспенталарни (адабий барҳаёт малак сиймоларини) ҳам олиб киради (Pizani V., 1948). Бу ҳақда Л.А.Лелеков Аҳура Мазда “выделит из себя шестерых архангелов... и объединился с ними в сакральную гептаду, комбинацию демиургов высшего порядка”, - деб ёзади. М.Бойснинг фикрича ушбу муқаддас гентада (“етти оғайни”) жуда қадимий тасаввурлардан туғилган бўлиб, Авестада Аҳура Мазданинг “дўстлари” ролида намоён бўлади (Лелеков Л., 1992:363). Олиманинг фикри давомини кузатилса, гўё Аҳура Мазданинг олти эманацияси “яратиш” босқичларидан учинчисига язатларнинг, яъни маъбудларни яратган бўлиб чиқади. Аммо бу фикр Авеста “Яшт”ларидаги очиқ-ойдин айтилган фикрларга зид бўлиб чиқади. Уларда айтилишича, язатларни ҳам олам-жаҳон билан бир қаторда эзгу вазифалар билан “сийлаб” Аҳура Мазданинг ўзи “яратган” экани таъкидланади:

*“Мен Митрани ўзимдек
Алқову намозларга
Лойиқ қилиб яратдим....”*

*Гўёки Заратуштрани
Одамларга бош бўл, деб.
Халақ қилгани каби
Юлдузларнинг бирига
Ахура бошлиқ қилган
Порлоқ Тиштрийя
Юлдуз томон намозим!*

Л.А.Лелеков М.Бойснинг қатъий тизимга солинган “яратиш - яралмиш” масаласидаги қарашларини таҳлил қилиб, яна бир етарли асосланмаган фикрни мантиқан рад этади. Яъни, агар амэшаспенталар (абადий барҳаёт малоикалар) язатларни (маъбудларни) яратган бўлсалар, ўз-ўзидан кейинги навбатда язатлар ҳам “моддий борлиқ унсурларини яратишдек ҳунармандлик меҳнатига киришиб кетишлари” лозим эди (Лелеков Л., 1992:363). Аммо Авестада ўзига хос бу жараён маъбудларга юкланмаган. Балки оламнинг моддий асослари чорва, ҳайвонот, ўсимлик, олов, сув, ер каби олти унсур Ахура Мазданинг иродаси билан одамлар учун пайдо қилинган, дейилади. Буларнинг ҳар бирига олти малоикадан бири ҳомий этиб тайинланади.

Шу қаторда Аши маъбудаси, Атар (Атшу-Оташ) кабилар Ахура Мазданинг ўзидан содир бўлган, дея таъкидланадики, бу ҳақда алоҳида фикр юритилмаган. Масалан, Аши Мазданинг қизи, олти малоиканинг синглиси:

*Ким эъзозлар Ашини,
Ахура Мазда қизин,
Валилар синглисини...*

Ахура Мазданинг яратувчилик функциясини суверен ва якка холиқлик сифатида талқин қилиш лозимлигини. О.Везендонк 1933 йилдаёқ таъкидлаган эди (Wezendonk O., 1933). Кейинчалик бу фикрни Э.Бенвенист Авестада феълнинг инфинитив шаклини таҳлил қилиш муносабати билан давом эттириб, Ахура Мазданинг яратувчилик функцияси мутлақ (абсолют) хусусиятга эгаллигини маъқуллаган эди. Ян Асмуссен ҳам Зардуштнинг худоси Ахура Маздани ягона, ўзига нисбатан бирор шерик бўлишига ўрин қолдирмайдиган яратувчи зот ҳисоблангани ҳақида хулоса қилган (Asmussen J., 1980). Бу масалага Р.Ценер ҳам юқоридаги муаллифлар фикрини қувватловчи муносабатда бўлган (Zachner R., 1961: 328).

Ахура Мазданинг иродасини ифодаловчи амешаспенталар мавжуд деган инонч зардуштийлик эътиқодининг асосий ғояларидан биридир. Уларни санаб ўтамиз: Аша-Ваҳишта (Тартиб-интизом), Ваху-Мана (Ҳақиқатгўй, чинкўнгилли), Хшастра-Варйа (Қудратлилик), Спента Армаитий (Мукаддас давомийлик), Хаурватат (Бағри бутунлик, тўла тўқислик), Амэрэтот (ўлмаслик,

комиллик, мукамаллик). Амешаспенталар худди олмос (тошлари) кўзлари каби, биргаликда Яккаю-ягона Яратувчининг иродасини ифодалайдилар (Прабхаананда Свами, 2004:240).

Таъкидлаш жоизки, Авестада яратувчи зот Ахура Мазданинг баланд мартабаси, унинг мутлақ даражада қодир холиқлиги уч минг йиллик қадимият бўлиши тарихийлик кўзи билан қараганда ноёб маънавий ҳодиса эди. Зеро, Авестадан нисбатан қадимий ҳисобланмиш Ведалар учун яратувчи илоҳий зот тушунчаси ўта тарқоқ эди. Яъни, Ведаларда турли маъбудларга, ҳатто худо эмас оддий персонажлар нимадир яратишга “қодир” қилиб кўрсатилган. Ригведанинг қадимий қатламларида яратиш, яратилиш ҳодисаси умуман қайд этилмайди. Бунинг ўрнида турли ҳолатлардан у ёки бу зотнинг (“шахс”нинг) трансформациялашуви орқали янги киёфага кириши кузатилади (Лелеков Л., 1992:363). Бунинг зидди сифатида “Ясна” 31-кўшиғи (Ахунавайтий “Гоҳ” нинг 4-банди)да Ахура Мазданинг яратиш функцияси қуйидагича ифода топган:

*Ким ўшал ибтидодан Нур билан тўлсин эзгу
Борлиқ, дея муқаддас сўзни илк бора айтган?
Шундай ул Олий оқил зот Ашаҳни (Ҳақни)
яратди,*

*Мурод шулки, Ҳақиқат паноҳидан жой топсин.
Худодан улуг неъмат, тажалли Эзгу ният
(Исҳоқов М., 2021:304).*

Бу бандда олам яралишининг асосида Олий Ақл томонидан яратилган Ҳақиқат нури ҳақида гап бормоқда. Нур, Ёлқин Ашаҳ (Арта) – ҳақиқат белгиси. Ҳақиқат – Эзгу ниятнинг яралиши учун бош омил. Ёлғон – Дуруж яратишга эмас ғорат, вайроналикка хизмат қилади. Эзгу ният Ахура Мазданинг яратиш функцияси учун бош омил. Бинобарин, Ахура Мазда бор дунёни фақат Эзгу қилиб яратади.

31-ҳоитининг 11 - бандида ушбу яратиш функциясига дахлдор яна бир лавҳа мавжуд:

*Эй, Мазда! Азал бизни айладинг пайдо
Заковат нуруннга қилибон шайдо
Бизларга баҳи этдинг ақл бирла тил.
Жонимиз жисмга кирганда алҳол,
Куч бердинг-ҳақ учун жонимиз фидо...*

Кўриниб турибдики, “Гоҳ”ларда яратиш ғояси турли даражада динамик узлуксизликда тасаввур этилган:

*Бизни айладинг пайдо
Ақл нуруннга ошно қилдинг.*

*Ақл билан тил бериб ҳайвонотдан устун
қилдинг.*

*Ҳақиқатнинг йўлида кураш учун куч, мадад
(Исҳоқов М., 2021:304).*

Зардуштнинг фикрича, бирламчи эътиқод объекти моддий борлиқдаги бирор ҳодиса, нарса, ашё бўлиши мумкин эмас. Чунки, бу иш креатицизм нуктаи назаридан худонинг мутлақ кудратига, абсолют “ҳақ”лиги каби тасаввурга мантқан мос келмас эди. Зеро, ҳар қандай моддий эътиқод объектининг “сир”ини инсон ақли билишга қодир. Аммо илоҳий яратувчиликнинг сирини инсон англаб етишга қодир эмас, деб тушунилар эди. Масалан, зардуштийликкача мавжуд динлар фетишизм, тотемизм каби ибтидоий тасаввурларнинг эътиқод объектида ашёвийлик устун турган. Зардуштийлик бундай эътиқод ашёларини худо яратган дунёнинг унсурлари деб эълон қилди ва бу каби борлиқнинг сабабчиси қилиб мутлақ қодир парвардигор Аҳура Мазда тушунчасини киритди. Бир сўз билан айтганда, Зардушт ўз издошларининг тафаккур ва идрокни даврига нисбатан юксак поғонага олиб чиқди. Зеро, Яратувчи зот ўзига бутун яралмиш дунёни жам этгани ҳолда, ҳар бир хилқатда унинг ўзи мужассам, деган тушунча вужудга келди.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Зардуштийликнинг назарий асослари даставвал, Аҳура Мазданинг яккалиги ғоясига қаратилган бўлишига қарамай, дин амалиёти таракқиётининг Зардуштдан кейинги босқичларида илоҳиёт тизими доираси ижтимоий ҳаёт манзаралари таъсирида бир қатор маъбудларнинг эркак тимсоллар сифатида талқин этилишига олиб келди. Маъбудлар эркак ва аёл қиёфада Парвардигор иродаси билан пайдо бўлади деб тушунилар бошланди. Яъни, зардуштийлик илоҳиёт тизими айни реал тарихий жамият модели тартибда жойлашгандек кўринишга эга бўла бошлади. Хусусан, Аҳура Маздага кимнидир ўғил, кимнидир қиз деб тасаввур этиш эндигина ибтидоий жамоа ҳолатидан ота уруғи (патриархал) катта оила ҳамда мулкый табақаланиш босқичига кирган жамият учун қулай ва тушунарли эди.

2. Зардуштийликнинг илоҳиёт тизимида муҳим ва ҳал қилувчи қатламни фарқлаш лозим. Яъни, Аҳура Мазданинг якка-ёлғизлиги ва вазифадор сифатлари, намоён бўлиш шакллариининг ягона бирлик эканини тан олиш орқалигина тушунилиши мумкин. Яъни, Аҳура Мазда мантқан “Олам Шахриёри”, “Ҳақиқат”, “Комил ақл”, “Эзгу ният”, “Абадият”, “Олам парвардигори”, “Олам руҳи” ва бошқа номлар остида ягона моҳиятидан ажралмаган ҳолда амал қилади.

3. Зардуштийлик аввало ваҳдоният ғояси билан юзага келган. Бироқ, Зардушт яшаган даврда одамлар

ҳали ибтидоий диний қарашлар таъсиридан чиқмаган эдилар. Янги диний дунёқарашни ўзлаштириш мураккаб кечган ва қадимги тасаввурлар дунёсидан турли образларни қолдиқ сифатида сақлаш табиий бўлган. Шу аснода қадимиятдан зардуштийликка олиб кирилган илоҳий тушунчалар инсон жамияти таркибига қиёс қилинган ҳолда қайта амал қила бошлаган.

4. Зардуштийлик Аҳура Маздани якка парвардигор ҳисоблаб, унинг вазифадор малоикалари тизимини жинс жиҳатдан эрлик ва аёллик сифатлари билан боғлади. Бунда Аҳура Маздага оталик мақоми берилди. Унинг уч нафар малоикаси эркак илоҳий зот деб тушунилар. Аҳура Мазданинг қолган уч тажаллисига эса аёллик мартабаси берилган. Эманацияларнинг икки жинсга бўлиб талқин қилиниши ўз навбатида қадимги инсоннинг жамият қилипларини муқаддас малакаларга татбиқ этишидан пайдо бўлган.

5. Авеста орқали зардуштийликнинг бош масаласи - илоҳиёт асослари ҳақида фикр юритганда, Аҳура Маздага юкланган яратувчилик хоссасининг чекланмаганлигига эътибор қаратиш лозим. Аҳура Мазда борлиқни эзгу қилиб, ранг-баранг дунёнинг азалий эзгу тартибини ҳар соҳада ҳимоя қилиш учун турли-туман эзгу нозирларни ҳам яратганига зардуштийларнинг имони қомил бўлган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Asmussen J. Iden und begriffe der agrarischen Sphare und ihre bedeutung in der verkundigung Zarathustras. AOF, VII. 1980.
2. Avesta. Tarixiy - adabiy yodgorlik (in Uzbek). / Trans. by A.Mahkam. (2001). Tashkent, Shark.
3. Avesta: Book of Videvdot. (2007). Trans: M. Iskhoqov (in Uzbek). Tashkent, TDSHI publishing - printing department.
4. Avesta: Yasht kitobi (in Uzbek) Book of Yasht / Trans: M.Ishakov . (2001). – Tashkent, Shark.
5. Drezden, M. (1994). Mifologiya drevnego mira. Razdel Iranskaya mifologiya (in Russian).
6. Edwards E. Sacrifice (Iranian). – ERE., XI, 1920.
7. Iskhoqov, M. (2006). From the history of our ancient statehood. // Educational problems, - No. 1. - B. 18-19.
8. Iskhoqov, M. (2006). Spiritual foundations of our history of statehood. // Educational problems, - No. 1.
9. Iskhoqov, M. (2021) Avesta: Zardusht Gohlari (interpretations of meaning and hermeneutic interpretations). – Tashkent.
10. Juraev, N.(2001). Necessity of Avesta. Avesta is a monument of historical literature. Trans: A. Mahkam. – T.: Shark.
11. Karomatov H. (2008). History of modern beliefs in Uzbekistan. Tashkent, JIDU.
12. Kellens J. (1975). Mythes et conceptions avestiques sous les Sassanides. – MNSN., I.

13. Lelekov L.A. (1980). Review of the book by M.A. Dandameeva, V.G. Lukonina "Kultura i ekonomika Drevnogo Irana". Moscow.
14. Masson V.M., Sarianidi V.I. (1982). Terracotta statuettes of Turkmenistan. Moscow.
15. Meshkeris V. (1964). Terracotta statuettes to the Samarkand Museum. Dushanbe.
16. Mifologicheskiy slovar (in Russian). (1990). Moscow.
17. People of Asia and Africa. (1981). Moscow.
18. Pisani, V. (1948). Aspetti della religione presso gli antichi Indeupei. Acme I.
19. Prabhaananda Swami. Gaty Zaratustry. (2004). V kn.: Svyashchennye pisaniya Vostoka. Kratkiy putevoditel (in Russian). Moscow, printing house Sofia.
20. Zachner R.C. (1961). The dawn and twilight of Zoroastrianism. New York.
21. Tokarev S.A. Religion and history of the nation. - M. Politizdat, 1976. - S. 366-368.
22. Alimova, M., Abdullaeva, M., Tungatova, U., Karimova, D., Alidjanova, L., & Turambetov, N. (2023). Influence of Religious Myth on National and Political Formation Across Cultures. Cuestiones Políticas, 41(77). <https://produccioncientificaluz.org/index.php/cuestiones/issue/view/3818>.
23. Alimova, Mahfuza (2020) "THE CONTRIBUTION OF IMAM AD-DARIMI TO THE DEVELOPMENT OF HADITH SCIENCE, "The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/15>.
24. Ra'no, T. U. (2023). THE CONCEPT OF "TRUTH" (ARTA) IN THE AVEST: International Journal of Research and Development (IJRD), Volume: 8 | Issue: 5 | May 2023. - P. 213-216. <https://eprajournals.com/IJSR/article/10627>
25. Urazova R. T. On issues of emanations in zoroastrism. In Volume 3, Issue 12 of Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS) Dec., 2022. <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/2963>
26. Karimova, D., Baitenova, N., Alimova, M., Abdullaeva, M., Ernazarov, O., & Alidjanova, L. (2022). The concept of "Child" and its historical and legal description. Cuestiones Políticas, 40(74). <https://produccioncientificaluz.org/index.php/cuestiones/article/view/38955>
6. Edwards E. Sacrifice (Iranian). - ERE., XI, 1920.
7. Iskhoqov, M. (2006). From the history of our ancient statehood. // Educational problems, - No. 1. - B. 18-19.
8. Iskhoqov, M. (2006). Spiritual foundations of our history of statehood. // Educational problems, - No. 1.
9. Iskhoqov, M. (2021) Avesta: Zardusht Gohlari (interpretations of meaning and hermeneutic interpretations). - Tashkent.
10. Juraev, N. (2001). Necessity of Avesta. Avesta is a monument of historical literature. Trans: A. Mahkam. - T.: Shark.
11. Karomatov H. (2008). History of modern beliefs in Uzbekistan. Tashkent, JIDU.
12. Kellens J. (1975). Mythes et conceptions avestiques sous les Sassanides. - MNSN., I.
13. Lelekov L.A. (1980). Review of the book by M.A. Dandameeva, V.G. Lukonina "Kultura i ekonomika Drevnogo Irana". Moscow.
14. Masson V.M., Sarianidi V.I. (1982). Terracotta statuettes of Turkmenistan. Moscow.
15. Meshkeris V. (1964). Terracotta statuettes to the Samarkand Museum. Dushanbe.
16. Mifologicheskiy slovar (in Russian). (1990). Moscow.
17. People of Asia and Africa. (1981). Moscow.
18. Pisani, V. (1948). Aspetti della religione presso gli antichi Indeupei. Acme I.
19. Prabhaananda Swami. Gaty Zaratustry. (2004). V kn.: Svyashchennye pisaniya Vostoka. Kratkiy putevoditel (in Russian). Moscow, printing house Sofia.
20. Zachner R.C. (1961). The dawn and twilight of Zoroastrianism. New York.
21. Tokarev S.A. Religion and history of the nation. - M. Politizdat, 1976. - S. 366-368.
22. Alimova, M., Abdullaeva, M., Tungatova, U., Karimova, D., Alidjanova, L., & Turambetov, N. (2023). Influence of Religious Myth on National and Political Formation Across Cultures. Cuestiones Políticas, 41(77). <https://produccioncientificaluz.org/index.php/cuestiones/issue/view/3818>.
23. Alimova, Mahfuza (2020) "The contribution of imam ad-Darimi to the development of hadith science, "The Light of Islam: Vol. 2020: Iss. 2, Article 15. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iaau/vol2020/iss2/15>.
24. Ra'no, T. U. (2023). The concept of "Truth" (Arta) in the Avesta: International Journal of Research and Development (IJRD), Volume: 8 | Issue: 5 | May 2023. - P. 213-216. <https://eprajournals.com/IJSR/article/10627>
25. Urazova R. T. On issues of emanations in zoroastrism. In Volume 3, Issue 12 of Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS) Dec., 2022. <https://wos.academiascience.org/index.php/wos/article/view/2963>
26. Karimova, D., Baitenova, N., Alimova, M., Abdullaeva, M., Ernazarov, O., & Alidjanova, L. (2022). The concept of "Child" and its historical and legal description. Cuestiones Políticas, 40(74). <https://produccioncientificaluz.org/index.php/cuestiones/article/view/38955>

REFERENCES

1. Asmussen J. Iden und begriffe der agrarischen Sphäre und ihre bedeutung in der verkündigung Zarathustras. AOF, VII. 1980.
2. Avesta. Tarixiy - adabiy yodgorlik (in Uzbek). / Trans. by A. Mahkam. (2001). Tashkent, Shark.
3. Avesta: Book of Videvdot. (2007). Trans: M. Iskhoqov (in Uzbek). Tashkent, TDSHI publishing - printing department.
4. Avesta: Yasht kitobi (in Uzbek) Book of Yasht/Trans: M. Ishakov. (2001). - Tashkent, Shark.
5. Drezden, M. (1994). Mifologiya drevnego mira. Razdel Iranskaya mifologiya (in Russian).